

Методик қўлланма

Масофавий Таълим:

Таълимнинг янги
имкониятлари



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҚУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ: ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“ҲЕТАКЧИ НАШРИЙОТИ”
2024

УЎК: 378.018.43(072)(075)

КБК: 74.04я7

М — 23

Маматалиев, Тўлқин

Масофавий таълим: таълимнинг янги имкониятлари [Матн]: методик қўлланма / Т.Маматалиев. – Т.: "Yetakchi nashriyoti", 2024 й. – 28 б.

ISBN 978-9910-9622-6-4

Методик қўлланмада мамлакатимиз таълим тизими учун бирмунча янги ҳисобланган масофавий таълим шакли, ушбу таълим шаклини олий таълим тизимига жорий қилишда учрайдиган муаммолар, уларни ҳал этиш усуллари келтириб ўтилган. Қолаверса, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб масофавий таълимни такомиллаштириш борасида тавсиялар берилган.

Қўлланмадан илмий фаолият билан шуғулланувчи барча соҳа ходимлари, шунингдек, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, талабалар ҳам ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.018.43(072)(075)

КБК: 74.04я7

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9622-6-4

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июнда “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнида ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–279-сон қарори қабул қилинди. Унга асосан масофавий таълим қабул параметрлари ва йўналишлари тасдиқланди.

2022/2023 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари бакалавриатининг масофавий таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари 3410 тани, шундан 2410 нафар талаба ўзбек тилида, 1000 нафари рус тилида тахсил олиши белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 559-сон қарори билан масофавий таълимнинг мақсади, тамойиллари ва вазифалари, масофавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган талаблар, масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар, масофавий таълимга талабаларни қабул қилиш ва ўқув жараёнини ташкил қилиш, масофавий таълим сифати мониторинги тартиби белгилб берилди.

Шу жиҳатдан Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази (кейинги ўринларда — Марказ) томонидан Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни ташкил этиш ҳолати ва истиқболлари бўйича миллий ва хорижий тажриба қиёсий таҳлил қилинди.

Ушбу таҳлилда таълим тизими ривожланган хорижий мамлакатлар (Германия, Буюк Британия, АҚШ, Австралия, Финландия, Бразилия, Канада, Хитой, Ҳиндистон, Туркия) ҳамда масофавий таълим бўйича фаолият олиб боровчи нуфузли халқаро ташкилотлар (International Council for Open and Distance Education, European Distance and E-Learning Network)нинг тажрибалари ўрганиб чиқилди.

Бундан ташқари, масофавий таълим сифати ва ундаги камчиликларни аниқлаш мақсадида ушбу таълим шаклида тахсил олаётган талабалар ўртасида сўровнома ташкил этилди. Сўровномада иштирок этган 2610 нафар талабанинг фикр-мулоҳазалари ўрганилди. Қўлланмада сўров натижалари саволлар кетма-кетлигида таҳлил қилинган.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЖОБИЙ ЖИХАТЛАРИ

Масофавий таълимни ташкил этишнинг ижобий жиҳатлари қуйидаги қулайликларни қамраб олади:

- ушбу таълим шаклида ёши ҳамда ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, аҳолининг кенг қатлами таълим олиш имкониятига эга бўлмоқда;
- масофавий таълим иқтисодий жиҳатдан таълим олувчилар учун ҳам, олийгоҳлар учун ҳам самаралидир, чунки унда бошқа анъанавий таълим турларига қараганда харажат ва тўловлар анча кам. Шунингдек, олий таълимнинг мазкур шакли таълим берувчи ва таълим олувчиларга олий таълим муассасаларига бориш-келиш учун сарфлайдиган вақтни тежаш имконини бермоқда. Бунда тежалган вақт ҳисобига янги билимларни мустақил ўзлаштириш имконияти ортади;
- ишдан ажралмаган ҳолда таълим олишни хоҳловчи талабалар ушбу таълим шаклида ўқиш вақти, жойи ва ўқув юртини ўз хоҳишига кўра танлаши мумкин;
- махсус дастурлар ёрдамида талабанинг билимини баҳолашда ҳолисликнинг таъминланиши ва коррупциявий ҳолатларнинг анча камлиги маълум бўлмоқда;
- талабада мустақил билим олиш, ўз устида ишлаш, ижодий ва интелектуал салоҳиятини ривожлантириш кўникмаларини шакллантиради.

Бундан ташқари, COVID-19 пандемияси даврида мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида масофавий таълим шакли йўлга қўйилди, бу барча профессор-ўқитувчиларда таълим платформалари билан ишлаш, масофавий таълим ва уни олиб бориш соҳасидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш имконини берди.



Масофавий таълимни турли соҳаларда қўллаш истиқболлари:



МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ОЧИҚ ОНЛАЙН ТАЪЛИМ КЎРИНИШИДА

Масофавий таълим турларидан бири бўлган Massive Open Online Courses (MOOC) кенг кўламли очиқ онлайн таълим шаклидир. Унда ўқув материаллари ва дарслар Интернет орқали тақдим этилади, бу ўқувчиларга ўқув материалларини анъанавий синфлардан ташқарида ўрганиш, ўқитувчилар ва бошқа талабалар билан виртуал муҳитда мулоқот қилиш имконини беради. Масофавий таълим видео маърузалар, интерактив топшириқлар, мунозарали форумлар, онлайн тестлар ва бошқа турли форматларни ўз ичига олиши мумкин.

Бу таълим шакли, аввало, жамиятнинг қуйи қатламини зиёли қилишда салмоқли роль ўйнашини эътироф этиш лозим. Бунда талабалар таълим олиш вақтларини ўзлари белгилашади ва билим олишга кўпроқ вақт ажратишади.

Дунё бўйлаб очиқ онлайн таълим тарқатишда **Coursera** ва **EdX** таълим платформалари асосий ҳисобланади.

Courseraга 2012 йилда асос солинган бўлиб, ушбу платформа 2015 йилда 1005 та дастур ва 117 та университет билан алоқа ўрнатишга улгурди. 12,3 миллион талаба мазкур платформадан фойдаланди. Coursera ҳайратланарли даражада ўсишни 2014 — 2015 йиллар оралиғида кўрсатди. Бир йил ичида таълим олувчилар сони 60% га ошгани

буни тасдиқлаб турибди. 2021 йилга келиб Coursera 5400 дан зиёд таълим дастурларини тақдим этади ва 2023 да платформа фойдаланувчилари 100 миллиондан ошиб кетди.

EdX платформаси ҳам 2012 йилда Harvard University va Massachusetts Technology Institute (MIT) томонидан ишга туширилган бўлиб, 2015 йилга келиб 471 та дастурни ўз ичига олди. Ҳозирги кунга келиб дастурлар сони 5682 тага етди. Шу билан биргаликда, талабалар сони ҳам 40 миллиондан зиёдроқни ташкил қилмоқда.




Massachusetts
Institute of
Technology



HARVARD
UNIVERSITY

Ўзбекистонда ҳам турли даражадаги таълим турлари учун онлайн курслар ва дастурларни тақлиф қилувчи бир нечта масофавий таълим платформалари мавжуд. Улардан баъзилари:

“Электрон Академия” (<https://e-academy.uz/>) — бу Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими вазирлиги¹ томонидан яратилган яна бир расмий масофавий таълим платформаси ҳисобланади. Унда Ўзбекистон олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ўқитувчилари учун онлайн курслар ва дастурлар тақлиф этилади.



“Lang.uz!” — бу қизиқарли интерактив тарзда хорижий тилларни ўрганиш бўйича портал ҳисобланади. Ушбу портал Tas-IX тармоғи ҳудудидаги ягона ресурс саналади. Материаллар мураккаблиги бўйича

“Elementary” дан “Pre-Intermediate” гача бўлган тематик дарслар кўринишида тақдим қилинган. Ҳар бир дарсда янги сўзлар билан танишиб чиқиш, янги сўз ва ибораларга бириктирилган машқларни бажариш, диалогни тинглаш, тегишли майдонларни тўлдириш, видеони кўриш ва матнни ёзиш керак.

Бу Ўзбекистонда мавжуд бўлган масофавий таълим платформаларининг бир нечта намуналари, холос. Шунини таъкидлаш керакки, бундай

¹ Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги



платформалар рўйхати вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин ва бунинг натижасида кўпроқ маълумот олиш имконияти яратилади.

ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда масофавий таълим таълим хизматлари бозорида муҳим ҳисобланади. Ўзининг қулайлиги ва кам харажат эканлиги билан бу таълим шаклининг улуши кундан-кунга ортиб бормоқда. Юқорида келтирилган очиқ онлайн таълим платформалари кўрсатган ўсиш каби маъсофавий таълимга бўлган талаб ҳам ошмоқда. Ахборот технологияларининг ривожланиши масофавий таълимга ҳам таъсир этмай қолмади. Таълим технологияларини жорий қилиш ва уларни ривожлантириш орқали масофавий таълим ривожланишига салмоқли ҳисса қўшилди.



Масофавий таълимда сунъий интеллектнинг афзалликлари:

1. Индивидуал таълим: Сунъий интеллект ҳар бир талабанинг шахсий эҳтиёжлари ва фикрлаш қобилиятидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш имкониятини беради.

2. Самарадорликни ошириш: Сунъий интеллект баҳолаш ва давомат каби кўплаб маъмурий вазифаларни автоматлаштириши, ўқитувчиларни курслар ишлаб чиқиш каби вазифалардан озод қилиши мумкин.

3. Кириш имконияти: Сунъий интеллект ногиронлиги бўлган талабаларга нутқни аниқлаш ва уларни масофадан туриб дарсда иштирок этишларини таъминлаб бериши мумкин.

4. Интерактив таълим бериш имконияти: Сунъий интеллект чат-ботлар, виртуал ёрдамчилар каби интерактив ва қизиқарли ўқув дастурларини яратиш учун ишлатилиши мумкин. Бу талабаларга дарсда фаол бўлиш ва қизиқишларини оширишга ёрдам беради.

Масофавий таълимда сунъий интеллектнинг камчиликлари:

1. Ўзаро мулоқотнинг етишмаслиги: Талабалар ўқитувчилар ва тенгдошлари билан юзма-юз мулоқот қилишнинг афзалликларини қўлдан бой беришлари мумкин.

2. Дискриминация: Сунъий интеллект тизими ишлаш тамойили одамлардан ўрганишга асослангани сабабли инсонлардаги турли хил нуқсонлар сунъий интеллектга ҳам ўтиши мумкин. Бу, албатта, ёмон ҳолат ва биз бундай хатолардан қочишимиз керак.

3. Техник муаммолар: Сунъий интеллект тизимлари мураккаб бўлиши мумкин ва уларни амалга ошириш ҳамда қўллаб-қувватлаш катта техник тажрибани талаб қилади. Тизимдаги носозлиқлар ва хатолар каби техник муаммолар ўқув жараёнини бузиши ва талабалар ҳамда ўқитувчиларда ишончсизлиқлар келтириб чиқариши мумкин.

4. Махфийлик муаммолари: Сунъий интеллект талабаларнинг махфий маълумотларини тўплаши, сақлаши ва ундан фойдаланиши мумкин. ОТМлар талабалар маълумотларини ҳимоя қилиши ва улардан ахлоқий фойдаланиш чораларини кўриши керак.

СЎРОВНОМА

Таълимнинг айнан масофавий шаклини танлашингизга нима сабаб бўлган (бир нечта жавобни танлаш мумкин)?




Сўров иштирокчиларининг **1553 нафари (61,1%)** масофавий таълим ишдан ажралмаган ҳолда таълим олиш имкониятини бергани учун жозибадор деб ҳисобламоқда. **882 нафар (34,6%)** талаба замонавий таълим шакли бўлгани учун ва **730 нафар (30%)** талаба оилавий шароити сабабли ушбу таълим шаклини танлаганини маълум қилган.

Олий таълим соҳасида масофавий таълимни янада самарали ташкил этишдаги таклифларингиз?



Ушбу саволга кўпчилик талабалар — **(918 нафари)** Ягона идентификация (ONE ID) **(36%)** тизимидан фойдаланишни йўлга қўйиш таклифини қўллаб-қувватлаган. Бундан ташқари, электрон кутубхонанинг LMS платформасидан фойдаланиш имкониятини яратиш таклифини ҳам **658 нафар (25%)** талаба маъқуллаган. Айрим талабалар ўқув материаллари сифатини яхшилаш таклифини билдиришган.


Ҳозирги кундаги ижтимоий ҳолатингиз қандай?



■ Фақат ўқийман ■ Ҳам ишлаб, ҳам ўқийман

Масофавий таълим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш шакли бўлгани учун талабаларнинг асосий қисми — **1777 нафари (68%)** меҳнат фаолияти билан шуғулланишади.

Масофавий таълимда муаммога дуч келсангиз, бевосита кимга мурожаат қиласиз?




Талабаларнинг **32 фоиз (807 нафар)**и масофавий таълим олиш жараёнида муаммога дуч келганда, “Гуруҳ сардорига мурожаат қиламан” деб жавоб берган. Шунингдек, “Факультет деканатига” деб жавоб берганлар ҳам **27 фоиз (663 нафар)**ни ташкил қилди. “Ўқитувчи” ва “Тьютор” жавобларини талабаларнинг **12 фоиз (292 нафар)**и танлаган. Эътиборли жиҳати, **9 фоиз (238 нафар)** иштирокчилар бундай вазиятда “Масофавий таълим маркази”га мурожаат қилишини маълум қилган, холос.

Масофавий таълим жараёнида Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази фаолиятини қандай баҳолайсиз?




Бусаволга кўплаб иштирокчилар Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази фаолиятини ижобий баҳолаган. Яъни иштирокчиларнинг **26 фоиз (668 нафар)**и “Аъло”, **47 фоиз (1231 нафар)**и “Яхши”, **13 фоиз (347 нафар)**и “Қониқарли”, **5 фоиз (140 нафар)**и “Қониқарсиз”, **9 фоиз (224 нафар)**и эса “Жавоб беришга қийналаман” вариантини танлаган.

Сизга берилаётган ўқув-контентлар (ўқув материаллари) таҳсил олаётган тилингизга тўғри келади ми?



Ушбу саволга респондентларнинг **2149 нафари (87,4%) “Ҳа”**, **347 нафари (13,7%) “Қисман”**, **40 нафари (1,6%) “Йўқ”** деб жавоб беришган. Бу ерда масофавий таълимда қўлланилаётган ўқув-контентлар талабалар таҳсил олаётган тилга асосан мос келаётганини кўришимиз мумкин.

Сиз таҳсил олаётган ОТМда Масофавий таълим маркази фаолияти йўлга қўйилганми?



Талабаларнинг **58 фоиз (1508 нафар)**и Масофавий таълим маркази фаолият кўрсатаётганини таъкидлаган бўлса, **41 фоиз (1064 нафар)** талаба марказ мавжудлигидан беҳабар. **1 фоиз (38 нафар)** талаба бундай марказ фаолият олиб бормайди, деб жавоб берган.

Сиз таҳсил олаётган ОТМда масофавий таълим бўйича коррупциявий ҳолатларга дуч келганмисиз?




Ўтказилган сўровномага кўра, масофавий таълим шаклида коррупциявий ҳолатлар бирмунча кам эканлиги кўзга ташланди. **98 фоиз (2558 нафар)** респондент коррупциявий ҳолатларга дуч келмаганини билдирган. Талабаларнинг **2 фоизи (52 нафар)** бундай ҳолатларга гуруҳдошлари дуч келганини таъкидлаган. Сўровнома натижаси масофавий таълимда коррупциявий ҳолатлар деярли мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Сиз таҳсил олаётган ОТМда масофавий таълим бераётган профессор-ўқитувчилар дарсни қандай усуллар ёрдамида олиб боради (бир нечта жавобни танлаш мумкин)?




Бу саволга респондентларнинг **1695 нафари (66%)** ўқитувчилар реал вақт (онлайн) режимида дарс олиб боришади, деб жавоб беришган. **902 нафар (35%)** талаба профессор-ўқитувчилар дарсни муҳокама шаклида олиб боришини маълум қилган. Бундан кўринадики, профессор-ўқитувчилар дарс машғулотларини асосан синхрон шаклда олиб боришмоқда.

Сиз масофавий таълим жараёнида қандай муаммоларга кўпроқ дуч келмоқдасиз (бир нечта жавобни танлаш мумкин)?




Талабаларнинг **1515 нафар (63%)**и платформа билан боғланишдаги техник узилишларни масофавий таълимдаги асосий муаммо сифатида белгиллаган бўлса, **644 нафар (27%)** талаба эса платформадан фойдаланиш ноқулай деб ҳисоблаган. **593 нафар (24%)** талаба жонли мулоқотнинг етишмаслигини асосий муаммо сифатида келтирган.

Сиз таҳсил оладиган ОТМда масофавий таълим сифатини қандай баҳолайсиз?



Ушбу саволга респондентларнинг **35 фоиз (905 нафар)**и “Аъло”, **43 фоиз (1 139 нафар)**и “Яхши”, **14 фоиз (356 нафар)**и “Қониқарли”, **4,1 фоиз (108 нафар)**и “Қониқарсиз” деб жавоб берган бўлса, **3,9 фоиз (102 нафар)**и эса жавоб беришга қийналишини маълум қилган.

Сиз таҳсил олаётган гуруҳ нечта талабадан иборат?



Ушбу саволга иштирокчиларнинг **923 нафари (36,3%)** гуруҳ 25-30 тагача талабадан иборат, деб жавоб берган бўлса, **956 нафар (38%)** иштирокчи бир гуруҳда 30 ва 40 дан ортиқ талаба таҳсил олишини таъкидлаган. Кўриниб турибдики, аксарият гуруҳлар таркиби 25 нафардан ортиқ талабани қамраб олмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

- талабаларга масофавий таълим платформаси ҳақида атроф-лича маълумот берилмасдан ўқиш жараёни бошланган. Бу, ўз навбатида, талабалар ўртасида кўплаб тушунмовчиликлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда;

- масофавий таълим шаклида кўплаб дарс соатлари талабаларнинг иш вақтига тўғри келиб қолаётгани улар учун қатор қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Масофавий таълим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш шакли эканлигини инобатга олсак, дарс соатлари вақтини талабаларнинг иш вақти билан мувофиқлаштиришга зарурат туғилаётгани маълум бўлади;

- кўплаб платформаларда дарс машғулотларини интерактив шаклларда олиб боришнинг имкони йўқ. Масофавий таълим платформаларининг дизайн жиҳатдан содда ишлаб чиқилганлиги, бунда интерактив контентларнинг етишмаслиги талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишини пасайтирмоқда;

- платформада ҳар бир ўқув курси бўйича ўзаро мулоқотни таъминловчи кичкина гуруҳларни ташкил қилиб бўлмайди. Бу эса талабалар ўртасида ўзаро мулоқотнинг камайишига олиб келмоқда;

- талабаларнинг деярли ярми Масофавий таълим маркази фаолиятдан беҳабар қолмоқда. Талабаларнинг жуда чекланган миқдордаги қисмигина муайян муаммо туғилганда марказга мурожаат қилишини маълум қилаётгани ҳам мазкур марказ амалда масофавий таълимнинг асосий тузилмаси сифатидаги мақомга ҳали эришмаганлидан далолат беради;

- аксарият олий таълим муассасалари битта гуруҳда таълим олиши керак бўлган талабаларнинг белгиланган миқдорига риоя қилмаяпти. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомиди “Таълим олувчиларнинг максимал сони: гуруҳда — **25 нафар**” бўлиши кераклиги белгиланган. 30 нафардан ортиқ талабадан иборат гуруҳларнинг кўплиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;


- мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида интернет алоқа тизими билан боғлиқ технологик муаммоларнинг ҳанузгача долзарб бўлиб қолаётгани шу ҳудудда яшовчиларнинг масофавий таълим олиш имкониятларини чекламоқда. Бу ҳолат респондентларнинг фикрларида ҳам акс этмоқда.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ



Масофавий таълимни дунё бўйлаб тарқатишда ва ривожлантиришда халқаро ташкилотларнинг роли катта бўлмоқда. Хусусан, 1938 йилда Норвегияда асос солинган International Council for Open and Distance Education (ICDE) ташкилоти масофавий таълимга замонавий технологияларни олиб киришда муҳим аҳамият

касб этади. Бу халқаро ташкилот ҳар икки йилда дунё бўйлаб масофавий таълим бўйича конференциялар ташкил этиб келади. Конференцияларда ташкилотга аъзо давлатлар вакиллари томонидан масофавий таълим соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш ҳамда ушбу соҳани янада ривожлантириш борасида қизғин баҳс-мунозаралар олиб борилмоқда. Бу ташкилот дунё бўйлаб масофавий таълим қонунчилигини ишлаб чиқишга ва уни ривожлантиришга кўмаклашади. Йиллик мақолалар, дастурлар ишлаб чиқиб ривожланган мамлакатларда



масофавий таълимни улашишга ҳаракат қилади. Хусусан, ташкилот томонидан 2022 йилда дунё бўйлаб 15 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Ташкилотнинг 2022 йилги ҳисоботида ташкилот томонидан Масофавий таълимдаги ассосий муаммо сифатида методик ва малакавий камчиликлар алоҳида таъкидланди. Ташкилотнинг асосий мақсади масофавий таълим ўқитиш методикасини бутун дунё бўйлаб тарқатиш ҳисобланади. Шу мақсадда ташкилот БМТ билан ҳам ҳамкорликда иш олиб боради. ICDE ташкилоти 2022 йилда дунё бўйлаб 15 миллиондан ортиқ талабаларни ўз дастурларига жалб қилишга эришди.

Европанинг нуфузли ташкилотларидан бири ҳисобланган European Distance and E-Learning Network (EDEN) аъзо давлатлар ўртасида масофавий таълим бўйича сўнгги ютуқларни алмашишга кўмаклашади.

Маълумот учун: дунёнинг ишончли рейтинги ҳисобланган QS World Ranking томонидан 2022 йилда масофавий таълим бўйича қуйидаги ТОП-10 университетлар танлаб олинди:

University College London
Columbia University
University of Edinburgh
Johns Hopkins University
The University of Manchester
Northwestern University
King's College London
University of California, Los Angeles
University of Sydney
Monash University

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда масофавий таълим самарали амалга оширилмоқда. Хусусан, Германияда олий таълим соҳасида фаолият юритаётган масофавий таълим ходимларининг малакаси-



ни оширишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ушбу мамлакатда олий таълим соҳасида масофавий таълимни бошқариш ва назорат қилиш учун “Forum Distanc E-Learning” ассоциацияси тузилган. Унга 2016 йилда 80 га яқин хусусий муассасалар

аъзо бўлиб, улар 400 000 дан ортиқ талабага масофадан таълим бериб келмоқда. 2015 йилда Германиянинг барча университетларида таҳсил олган жами 2,8 миллион талабанинг 1,5 фоизи масофавий таълим дастурларига ўқишга кирган.

Германия тажрибасининг илғор жиҳатларидан бири — масофавий таълимни имкон қадар илмий асосда ташкил этиш ҳамда ундаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириб боришдир. Масалан, Кобленц-Ландоу университетида талабалар сони ҳар бир сессия учун 15 тадан кўп бўлмайди. Талабалардаги диққат етишмовчилиги ва умумий чарчоқнинг олдини олиш учун видеоконференция икки соатдан ошмайди. Бундан ташқари, талабалар ва ўқитувчилар ҳар ўқув йилида бир ҳафта давомда университетда учрашиб фикр алмашадилар.

Германия олий таълим муассасаларида масофавий таълим, биринчи навбатда, муҳандислик, табиий фанлар, дизайн, информатика ва психология каби мутахассисларни ўқитишга йўналтирилган ва бу

мутахассисликлар бўйича ҳар йили минглаб талабалар таҳсил олади.

Буюк Британиянинг Белфаст университетида фармацевтика, Кардиф университетида эса тиббиёт йўналишидаги масофавий магистрлик курслари очилган, уларда талабалар сони 20 нафардан кўп бўлмаслиги белгиланган.

Буюк Британияда (OU) YouTube тармоғида бепул ва кенг қўлмалли видеодарсларни тақдим этади.



The Open
University

Маълумот учун: олий таълимда чинакам масофавий ўқиш илк бор Буюк Британиянинг Лондон университетида йўлга қўйилган.

АҚШдаги Southern New Hampshire университетида ҳозирда 34 000 дан ортиқ талаба мавжуд бўлиб, таълим жараёни маҳаллий, халқаро ва эътиборлиси, ҳарбий ўрганувчиларга мослаштирилган.

АҚШда масофавий таълим консорциум ва нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади. АҚШда ташкил этилган Minevra project платформаси масофавий таълимдаги энг замонавий платформа ҳисобланади. Кейинчалик бу платформа асосида Minevra University ташкил этилди. Платформанинг фойдали томони шундаки, ўқитувчи талабанинг дарсдаги фаоллигини ҳам назорат қила олади. Платформа ҳар бир талабанинг дарс давомидаги фаоллигини, яъни гапирган сўзларини ёзиб олади ва таҳлил қилади. Бу таҳлиллار асосида ўқитувчига маълумот беради, шунингдек, онлайн дарс давомида талабаларнинг дарсдаги фаоллиги турли хил рангларда (яшил, сариқ, қизил) акс этади. Сунъий интеллект ёрдамида ишлай-



MINERVA[®]
UNIVERSITY

диган бу технология ўқитувчиларга дарс давомида талабалар фаоллигини баҳолашга ёрдам беради. Бинобарин, бу платформада (breakout rooms) кичик гуруҳлар ташкил этиш имконияти мавжуд бўлиб, бу дарс жараёнини интерактив ва case study шаклда олиб боришга ёрдам беради. Ушбу кичик гуруҳ иштирокчилари автоматик тарзда виртуал хонага ўтишади ва онлайн мулоқот қилишади. Талабалар бу хонада иш столи ва виртуал доска орқали вазифани биргаликда таҳлил қилиш имкониятига эга бўлишади. Берилган вақт тугагач, ушбу кичик гуруҳлар асосий дарсга қайтади ва барча гуруҳларнинг ишлари алоҳида кўриб чиқилади. Масофавий таълим дарсларининг шу тарзда ташкил этилиши таълим самарадорлиги ортишига хизмат қилади.

Маълумот учун: АҚШда 2018 йилда ўтказилган сўровномага кўра, 67% талаба ўз вазифаларини электрон мосламалар орқали бажарганини қайд этган.

Boston Consulting Group ва Arizona Давлат университети томонидан ўтказилган қўшма ҳисоботга кўра (2018), кундузги таълим шаклида таҳсил олувчилар 1-2 фоизга камайиб, масофавий таълим олувчилар сони 5 фоизга ўсган.

Австралия олий таълими тизимида масофадан таълим олаётганлар 1990 йилда жами талабаларнинг 10 фоизини, 2013 йилга келиб эса бу кўрсаткич 18 фоизни ташкил этган. Австралияда масофавий таълимнинг ўзига хос жиҳати шундаки, талабаларнинг 9 фоизи аралаш таълимни ўз ичига олган мултимодал таълимда таҳсил олади.



Австралия 2013 йилда олий таълимда масофавий таълим олувчилар учун Open2Study платформасини ишга туширди, бу платформа Coursera ва EdX каби платформалар билан рақобатлаша олади.



Австралия Очиқ университетида талабалар Curtin, Griffith, Macquarie, Monash, RMIT University, Swinburne ва The University of South Australia университетларига эркин кира олади

ва бунга ҳеч қандай академик тўсиқ йўқ.

Финландия 2000 йиллардан бошлаб масофавий таълим дастурларинидан фойдаланиб келмоқда. Масофавий таълим сифати EduCluster Finland ассоциацияси томонидан назорат қилиб борилади.

Бразилияда “Сиёсат ва асослар тўғрисида”ги Қонуннинг 80-моддаси масофавий таълимга янги мақом берди. Унга кўра, масофавий усуллар орқали олинган академик даражалар анъанавий усуллар орқали олинган таълим билан айнан бир хилдир.

2016 йилда Бразилияда 331 та олий таълим муассасаларининг бакалаврият дастурларига масофавий таълим учун рухсат берилган бў-



либ, улардан 74 (22,4%) таси давлат, 257 (77,6%) таси хусусий таълим муассасалари ҳисобланади. Ҳозирги вақтда 1 миллиондан ортиқ талаба масофавий шаклда таҳсил олмоқда.

Канадада масофавий таълим ва онлайн таълимни ривожлантириш учун 11 та университет ҳамда (CVU) ҳамкорлиги йўлга қўйилган эди. Кейинчалик уларнинг Таълимда медиа ва технологиялар ассоциацияси ва Масофавий таълим ассоциацияси бирлашиб Таълимда



Virtual University

инновациялар тармоғига айлантирилди. Бу ташкилот зиммасига Канадада масофавий таълимни бошқариш ва назорат қилиш вазифаси юкланди.

Канада олий таълимида масофавий таълим олувчилар учун Brightspace платформаси ишга туширилган.

Бундан ташқари, энг йирик ва нуфузли университетлар Американинг Coursera ва EdX платформалари билан ҳамкорлик қилади, айрим нуфузли университетлар эса Canvas ёки ўзларининг LMS тизимлари орқали масофавий таълимни амалга оширади.

Хитойда “Замонавий масофавий таълим учун пилот дастурларини бошлаш” тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши масофавий таълимнинг бошланишига асос бўлди. Zhejiang университети масофавий таълим сифатини яхшилаш учун Сифат стандартларини ишлаб чиқди, шунингдек, Сифатни таъминлаш қўмитаси ҳамда Сифатни назорат қилиш ва баҳолаш марказини тузди.



2020 йил февраль ойидан Хитойда кундузги таълим бўйича 250 миллион талаба онлайн тарзда ўқишни давом эттирган.

Ҳиндистонда Индира Ганди номидаги Миллий очиқ университети Парламент акти билан мамлакатдаги масофавий таълим тизимлари ва дастурларини ишлаб чиқиш, мувофиқлашти-



риш, аккредитация ҳамда назорат қилиш ваколати берилган. Масофавий таълимда “мулоқот ва ҳамкорликни” кенгайтириш мақсадида Ҳиндистонда махсус сунъий йўлдош (EduSat) ишга туширилди. Сунъий йўлдошга асосланган масофавий таълим тизими бутун мамлакат бўйлаб қишлоқ ва чекка жойларда виртуал синфларни ташкил этиш имконини берди.

Туркия Олий таълим Кенгаши университетларда масофавий таълимни жорий этиш учун масъулдир. Бир қатор университетларда масофавий таълимни ривожлантириш учун алоҳида марказлар фаолият олиб боради. Масалан, Anqara университетида Масофавий таълим Маркази, Sakarya университетида Масофавий таълим тадқиқот Маркази, Ahmet Yesevi, Latchem университетларида Масофавий таълим таҳлил Маркази масофавий таълимни ривожлантириш масалалари билан шуғулланади.

Туркияда илк бор 2014 йилда “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим қоидалари ва тамойиллар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. Бу масофавий таълимда вужудга келган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ва масофавий таълимни сифатини оширишга имкон яратди.

Сўровнома ва хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили асосида қуйидагилар таклиф этилади:

1 Сўровнома натижасидан маълум бўлдики, кўплаб талабалар масофавий таълим платформасида ишлаш ноқулайлиги, техник муаммолар ва ўқув-контентларнинг зерикарли ишланганлигига эътироз билдирмоқда. Шундай экан, ОТМларда масофавий

coursera

таълим ўқув контентларини яратиш учун оммабоп ва қулай бўлган Coursera ва EdX каби платформалар

билан ҳамкорлик қилиб, улардаги ўқув контентларидан андоза олган ҳолда, миллий масофавий таълим контентларини яратиш лозим.

• • • • • • • • • •

• • • • • • • • • •

2 Давлат ташкилотлари ҳамда хусусий секторга қандай билим, кўникма ва малакага эга кадрлар кераклигини таҳлил қилиб, ушбу таҳлил натижалари асосида масофавий таълимда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш зарур. Хусусан, ўқув дастурларини АҚШдаги каби консорциум ва нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

• • • • • • • • • •

• • • • • • • • • •

3 Дунёда кўплаб мутахассислар видеоконференцияни масофавий таълимни ташкил қилишни энг самарали усули деб ҳисобламоқда. Шу билан бирга, масофавий таълимда видеоконференция давомийлиги кунлик 2 соатдан ошса, талабаларда зерикаш ва диққатни жамлай олмаслик ҳолатлари кузатилишини инобатга олиб, масофавий видеоконференциялар давомийлигини 2 соатдан оширмасликни таклиф қиламиз. Бунинг ўрнига таълим жараёнини асинхрон тарзда ташкил этиш лозим. Бу ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим оладиган талабларга анча қулайлик яратган бўлар эди.

4



● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ●

5

● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ● ●

6



лигини яхшилашга хизмат қилади. Бу тизимларни OneID тизими билан бирлаштириш орқали масофавий таълим шаклида таҳсил олаётган талабаларни идентификация қилиш

мумкин. “Ягона идентификация тизими” (ONE ID) фойдаланувчи ҳақида асл маълумот (исм, фамилия, манзил ва ҳоказолар)ни тақдим этади. Қолаверса, бу тизим жорий этилса, талабаларнинг ўқув йили бошида олий ўқув юртига рўйхатдан ўтиш учун келишлари шарт бўлмайди.



7 Талабаларга дарслик ва дарс жадвалларидан фойдаланиш қулай бўлиши учун LMS платформасининг мобил иловасини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу талабаларга дарс машғулоти вақтини, силлабус ҳамда дарс жадвалини тез ва осон топиш имконини беради.



8 Республика олий таълим тизимида самарали ва сифатли масофавий таълим шаклини ташкил этишда қуйидаги халқаро ташкилотларга аъзо бўлишни кўриб чиқиш тавсия этилади: International Council for Open and Distance Education, European Distance and E-Learning Network.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Масофавий таълимни ташкил этишнинг ижобий жиҳатлари	4
Масофавий таълим очиқ онлайн таълим кўринишида	5
Таълим хизматлари бозорида масофавий таълимнинг ўрни	7
Сўровнома	9
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимида Масофавий таълимни ташкил этишда юзага келаётган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари...	15
Масофавий таълимни ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибаси...	16

Услубий нашр

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ:
ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ИМКОНияТЛАРИ

Методик қўлланма

Муҳаррир:
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:
Ш. Бекназаров

Бадий муҳаррир:
З. Шоимов

Мусахҳиҳа:
Д. Бекназарова

Дизайнер:
Ф. Қўзиёв



Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. "Pragmatica" гарнитураси.

Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.

Адади 500 нусха. Буюртма № OV-12.

Баҳоси шартнома асосида.

"Yetakchi nashriyoti", 100190, Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
e-mail: yetakchi_nash@mail.

"Mehr-nuri nashriyoti" УК босмахонасида чоп этилди.
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
Телефон: +99890 394-10-65

МАСОФАВИЙ

ТАЪЛИМ:

**ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ
ИМКОНИАТЛАРИ**



ISBN 978-9910-9622-6-4



9 789910 962264